СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА МАЪЛУМОТЛАРИ БЎЙИЧА ГЎДАКЛАР ЎЛИМИ ҲОЛАТЛАРИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Гиясов Зайнитдин Асомутдинович – д.м.н., профессор
Ташкентский государственный медицинский университет (Ташкент, Узбекистан)
Махсумхонов Қулфиддинхон Аъзамхонович – д.м.н., и.о. профессора
Ташкентский международный университет Кимё (Ташкент, Узбекистан)
Шодиев Гафур Баротович – Ph.D., начальник филиала
Ташкентский областной филиал РНПЦСМЭ (Ташкент, Узбекистан)

***Резюме**: Тошкент вилоятида 2022 йилда гўдаклар ўлими ҳолатлари юзасидан ўтказилган суд-тиббий экспертиза материаллари таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра бу ҳолатлар кўпроқ ўғил болаларда, ҳаётнинг биринчи ярим йилида қайд этилган. Неонатал даврдаги ўлим 60,9%ни ташкил этиб, уларнинг ярмидан ортиғи илк неонатал даврга тўғри келган. Кузатувларнинг 64,6%ида ўлим сутканинг биринчи ярмида, 82,3%ида шифохонада содир бўлган. Турли ёшдаги гўдакларнинг ўлим жойи масаласида ҳусусиятлар қайд этилди. Йил ойлари кесимида ўлим ҳолатлари кўпроқ ноябрь, декабрь ойларида бўлган. Гўдаклар кўпроқ 25 ёшгача бўлган оналардан, биринчи ва иккинчи ҳомиладорликдан, муддатидан олдин (70,9%) кичик вазн ва бўй узунлиги билан туғилган. Аксарият ҳолатда ўлим нозўраки бўлиб, туғма пневмония, пневмопатиялар ва шифохонадан ташқари пневмониядан юзага келган.*

***Калит сўзлар:** гўдаклар ўлими, суд-тиббий экспертиза.*

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ СЛУЧАЕВ СМЕРТИ МЛАДЕНЦЕВ ПО МАТЕРИАЛАМ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ

Гиясов Зайниддин Асомутдинович – т.ф.д., профессор
Тошкент давлат тиббиёт университети (Тошкент, Ўзбекистон)
Махсумхонов Қулфиддинхон Аъзамхонович – профессори в.б., т.ф.д.
Тошкент Кимё Халқаро университети (Тошкент, Ўзбекистон)
Шодиев Ғафур Баротович – Ph.D., филиал бошлиғи
Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиали (Тошкент, Ўзбекистон)

***Резюме:** Проведен анализ материалов судебно-медицинской экспертизы в случаях смерти младенцев в Ташкентской области за 2022 год. Установлено, что они чаще наблюдались у мальчиков, в первые 6 месяцев жизни. Смерть в неонатальном периоде составила 60,9%, более половины которых приходилось на ранний неонатальный период. В 64,6% случаях смерть наступила в первой половине суток, в 82,3%х в лечебных учреждениях. Имелись особенности места наступления смерти младенцев разных возрастных групп. В разрезе месяцев года чаще смерть наступала в ноябре, декабре. Младенцы чаще рождались от матерей в возрасте до 25 лет, первой и второй беременностей, преждевременно (70,9%) с малым весом и длиной тела. В большинстве случаев смерть была ненасильственной и наступила от врожденной превмонии, пневмопатий и внебольничной пневмонии.*

***Ключевые слова:** смерть младенцев, судебно-медицинская экспертиза.*

SOME FEATURES OF INFANT DEATHS BASED ON THE MATERIALS OF THE FORENSIC MEDICAL EXAMINATION

Giyasov Zaynitdin Asomutdinovich – D.M.Sc., professor
Tashkent state medical university (Tashkent, Uzbekistan)
Makhsumxonov Kulfiddinxkhon Azamkhonovich – D.M.Sc., acting professor
Tashkent International University of Kimyo (Tashkent, Uzbekistan)
Shodiyev Gafur Barotovich – Ph.D., head of the branch
Tashkent regional branch of the Russian National Scientific and Cultural Center (Tashkent, Uzbekistan)

Summary: *An analysis of the materials of the forensic medical examination in cases of infant deaths in the Tashkent region in 2022 was carried out. It was found that they were more common in boys in the first 6 months of life. Neonatal deaths accounted for 60.9%, more than half of which occurred in the early neonatal period. In 64.6% of cases, the disease occurred in the first half of the day, in 82.3% in medical institutions. There were features of the place of death of infants of different age groups. In terms of months of the year, death occurred more often in November and December. Infants were more often born to mothers under the age of 25, of the first and second pregnancies, prematurely (70.9%) with low weight and body length. In most cases, death was nonviolent and occurred from congenital pneumonia, pneumopathy, and community-acquired pneumonia.*

Keywords: *infant death, forensic medical examination.*

Гўдаклар ўлими кўп қиррали муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, у бошқа демографик кўрсаткичлар билан биргаликда мамлакатнинг ривожланиши, аҳолининг фаровонлиги даражаси, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларни акс эттиради [4, 7]. Тиббиётнинг турли соҳалари вакиллари томонидан ушбу муаммога бағишланган кўплаб тадқиқотлар ўтказилган [1, 2, 3, 8, 9, 12].

Бинобарин, гўдаклар ўлими билан боғлиқ айрим ҳолатлар суд-тиббий экспертизага молик бўлгани сабабли, соҳа мутахассисларининг мазкур масаланинг турли жиҳатларига оид қатор тадқиқотлари мавжуд [5, 6, 10, 11]. Шу билан бирга Ўзбекистонда гўдаклар ўлими юзасидан ўтказилган суд-тиббий экспертиза материаллари яхши ўрганилмаганлигини таъкидлаш лозим.


Тадқиқотнинг мақсади – суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича гўдаклар ўлими ҳолатларининг хусусиятларини таҳлил қилиш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиалида 2022 йилда бир ёшгача бўлган болалар ўлими юзасидан ўтказилган мурда суд-тиббий экспертизалари таҳлил объекти бўлиб хизмат қилди. Бу даврда гўдаклар ўлими ҳолатлари юзасидан 294 экспертиза ўтказилган бўлиб, улар жами мурда экспертизаларинг 10,9% ини ташкил этган. Ҳолатларнинг аксарияти (96,9%) нозўраки ўлим билан боғлиқ бўлган. Фақат 9 ҳолатда (3,1%) зўраки ўлим қайд этилган бўлиб, улар механик жароҳатлар, асосан калла-мия шикастланиши, ҳамда механик асфиксиянинг вариантларидан содир бўлгпн.

Барча ҳолатларда экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор бўйича воқеа тафсилотлари, тақдим этилган тиббий ҳужжатлар (амбулатория картаси, касаллик тарихи, рентгенограммалар) маълумотлари, мурда текшируви, экспертиза доирасида ўтказилган қўшимча текширувлар, мутахассисларнинг консультациялари натижалари атрофлича ўрганилди. Гўдакларнинг ўлими уларнинг ёши, жинси, ўлим вақти (йилнинг ойи, сутканинг соати) ва жойи, сабаби, вилоятнинг маъмурий худуди, онанинг ёши, нечанчи ҳомиладорликдан ва қандай бўйи узунлиги, вазн билан туғилганлиги каби ҳолатлар кесимида таҳлил қилинди. Ҳар бир эксперт кузатувда алоҳида карта тўлдирилиб, ўрганилган белгилар рақамли кодлар билан ифодаланди ва махсус ишлаб чиқилган компьютер дастури бўйича ишлов берилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Гендер кесимида кузатувларнинг 56,1%ида ўғил, 43,9%ида қиз болалар ўлими қайд этилган. Вилоятнинг 17 та маъмурий ҳудудлари орасида ўлим ҳолатлари кўпроқ Ангрен (12,9%), Чирчиқ (11,9%) шаҳарлари ҳамда Ўрта Чирчиқ (9,2%) туманида кузатилган.


Гўдаларнинг ёши бўйича ўлим ҳолатларининг 92,2%и ҳаётнинг биринчи ярим йилида содир бўлган. Кузатувларнинг ярмидан ортиғини неонатал ўлим ташкил этган. Бинобарин, неонатал даврда вафот этган болаларнинг 60,9%да ўлим ҳаётнинг дастлабки ҳафтасида рўй берган (расм 1).



Расм 1. **Гўдакларнинг ёшига доир маълумотлар**


аъмурий ҳудудлар кесимида Оҳангарон шаҳри ва Қибрай туманида неонатал даврдаги ўлим кўрсаткичлари нисбатан баландроқ бўлса (тегишли тарзда – 100%, 85,0%), Янгийўл тумани ва Олмалиқ, Ангрен шаҳарларида 6-12 ойлик гўдакларнинг ўлими кўрсаткичлари каттароқ бўлган (20,8%, 14,3%, 13,2%,).

Экспертиза маълумотлари бўйича ўлим ҳолатларининг қарийиб учдан икки қисми (64,6%) сутканинг биринчи ва иккинчи чоракларида содир бўлган бўлиб (расм 2), турли ёшдаги гўдакларда бу борада жиддий фарқлар аниқланмади.




Расм 2. **Гўдакларнинг ўлим вақти**

82,3% ҳолатда ўлим шифохонада, 50 (17,0%) ҳолатда уйда кузатилган. Фақат иккита гўдак ҳодиса жойида механик травмадан вафот этган. Турли ёшдаги гўдакларнинг ўлим жойи масаласида маълум бир хусусиятлар қайд этилмади. Хусусан, неонатал даврда уйда ўлим кўрсаткичи паст (12,0%) бўлгани ҳолда, постнеонатал даврда ушбу кўрсаткич анча баландроқ бўлган (расм 3).



Расм 3. **Турди ёшдаги гўдакларнинг ўлим жойи бўйича маълумотлар**

Ўлим ҳолатларининг мавсумийлиги ўрганилганда катта кўрсаткичлар ноябрь (11,6%), декабрь (10,5%) ойларида қайд этилди. Аксинча, январь (4,8%), февраль (6,1%) ойларида бундай ҳолатдар анча кам бўлган. Айни шу жиҳат турли жинс вакиллари кесимида бошқачароқ бўлган. Хусусан, қиз болаларнинг ўлим ҳолатлари кўпроқ июль (12,4%), ноябрь (11,6%), декабрь (17,1%) ойларида, ўғил болаларники эса июнь (12,7%), ноябрь (11,5%) ойларида бўлган. Қиз болаларда энг паст кўрсаткичлар январь ва июнда (3,1%дан), ўғил болаларда февраль ва декабрда (5,5%дан) аниқланган (расм 4).



Расм 4. **Гўдаклар ўлими ҳолатларининг мавсумийлиги**

Экспертизага тақдим этилган материалларига кўра вафот этган болаларнинг оналари кўпроқ 25 ёшгача бўлган, болалар (41,3%), биринчи (33,5%) ва иккинчи (26,3%) ҳомиладорликдан туғилганлиги аниқланди. 60,3% ҳолатда туғруқ табиий йўл билан кечган, қолганларида эса кесарча кесиш амалиёти ўтказилган. Бинобарин, ёши 30 дан катта бўлган аёлларда оператив йўл билан туғруқ кўрсаткичлари баландроқ (45,8%) бўлган.

Шунингдек, тиббий ҳужжатлар маълумотлари бўйича 70,9% ҳолатда туғруқ муддатдан олдин, яъни ҳомиладорликнинг 24 - 36 ҳафталарида рўй берган ва бунда тегишли тарзда гўдаклар вазни, бўйи узунлиги кўрсаткичлари кичикроқ бўлган. Хусусан, вақтидан олдин туғруқ

ҳолатларининг 49,2%ида бўйи узунлиги 35 см.гача, 81,3 %ида – вазни 1500 граммгача бўлган.

Мурда суд-тиббий экспертизасининг асосий мақсади мазкур ҳодисада зўракилик ҳолатини тасдиқлаш ёки инкор этишдан иборат. Экспертизалар натижаларига кўра кузатувларнинг аксариятида (96,9%) нозўраки ўлим қайд этилган. 9 ҳолатда зўраки ўлим аниқланиб, бахтсиз ҳодисалар оқибатида гўдаклар калла-мия жароҳатлари, нафас йўлларининг ёпилиши натижасида механик асфиксиядан вафот этган (жадвал 1).

Жадвал 1.

Т/р	Суд тиббий ташхис	Жами	%
1.	Туғма пневмония	77	26,2%
2.	Пневмопатия	68	23,1%
3.	Туғма нуқсонлар	11	3,7%
4.	ГТЎС	30	10,2%
5.	Пневмония	66	22,4%
6.	Нафас йўлларини ёпилиши, механик асфиксия	3	1,0%
7.	Калла мия жароҳатлари	5	1,7%
8.	Бошка касаллик/жарохат	8	2,7%
9.	Тугрук травмаси	1	0,3%
10.	МФН	25	8,5%
	Жами	294	100,0%

Гўдакларнинг ўлими сабаблари

Таҳлил натижалари бўйича гўдакларнинг ўлими кўпроқ туғма пневмония, пневмопатиянинг турли вариантлари ҳамда шифохонадан ташқари пневмониядан содир бўлиб, улар жами кузатувларнинг 71,8%ини ташкил этган.

Ушбу тадқиқотда гўдакларнинг ўлими ҳолатларининг хусусиятлари бўйича олинган маълумотлар бошқа тадқиқотчилар, хусусан суд тиббиёти соҳаси мутахассислари томонидан ўтказилган текширувлар натижаларига тўлиқ мос келмайди, қисман мос келади. Бу ҳолат таҳлил объектининг спецификаси, яъни фақат суд-тиббий экспертиза материаллари бўлганлиги ҳамда ўрганилган белгиларнинг мароми билан тушунтирилиши мумкин.

Хулоса.

Гўдакларнинг ўлими юзасидан ўтказилган суд-тиббий экспертиза материалларининг таҳлилига асосан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Гўдакларнинг ўлими кўпроқ ўғил болаларда, маъмурий ҳудудлар кесимида Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари ва Ўрта Чирчиқ туманида қайд этилган. Ўлим ҳолатларининг 92,2% и ҳаётнинг биринчи ярим йилида содир бўлган. Неонтал даврдаги ўлим 60,9%ни ташкил этиб, уларнинг ярмидан ортиғи илк неонатал даврга тўғри келган.

2. Кузатувларнинг қарийиб учдан икки қисмида (64,6%) ўлим сутканинг биринчи ва иккинчи чоракларида, 82,3%ида шифохонада содир бўлган. Турли ёшдаги гўдакларнинг ўлим жойи масаласида маълум бир хусусиятлар қайд этилди.

3. Йил ойлари бўйича гўдакларнинг ўлим ҳолатлари кўпроқ ноябрь (11,6%), декабрь (10,5%) ойларида, камроқ - (4,8%), февраль (6,1%) ойларида бўлган.

4. Вафот этган болалар кўпроқ 25 ёшгача бўлган оналардан (41,3%), биринчи (33,5%) ва иккинчи (26,3%) ҳомиладорликдан, муддатидан олдин (70,9%) кичик вазн ва бўй узунлиги билан туғилган.

5. Аксарият ҳолатда (96,9%) ўлим нозўраки бўлиб, туғма пневмония, пневмопатиянинг турли вариантлари ва шифохонадан ташқари пневмониядан юзага келган.

АДАБИЁТЛАР

1. Альбицкий В.Ю., Баранов А.А. Смертность детского населения // Проблемы социальной гигиены, здравоохранения и истории медицины. – 2024. – Т. 32, № 2. – С. 147–154.

2. Васильев С.А., Устинович Ю.А., Дармоян Н.А., Толкачева И.Л. Особенности показателя младенческой смертности в современных условиях // Репродуктивное здоровье. Восточная Европа. – 2025. – Т. 15, № 2. – С. 217–224.

3. Кораблева Н.Н. Синдром внезапной смерти младенца: эволюция определений, эпидемиология и факторы риска // Вопросы современной педиатрии. – 2021. – Т. 20, № 3. – С. 201–209.

4. Магомедова А.И., Газдиева А.А., Эшонкулова К.И. Младенческая смертность // Экономика и социум в современных исследованиях: сборник статей международной научной конференции. – Санкт-Петербург, 2024. – С. 8–11.

5. Московский С.Н., Емельянова Е.К., Листкова Д.В. Синдром внезапной детской смерти: проблемы диагностики, алгоритм исследования // Судебно-медицинская экспертиза. – 2025. – Т. 68, № 2. – С. 5–8.

6. Попов В.Л., Соколова О.В. Об интерпретации причины смерти новорожденного младенца, наступившей в необычных условиях // Судебно-медицинская экспертиза. – 2022. – Т. 65, № 2. – С. 46–50.

7. Фаизова Л.Р., Морозова С.Н. Статистический анализ младенческой смертности как показателя качества жизни населения // Финансовая экономика. – 2024. – № 2. – С. 168–172.

8. Allen K, Anderson TM, Chajewska U, Ramirez JM, Mitchell EA. Factors associated with age of death in sudden unexpected infant death // Acta Paediatr. – 2021. – Vol. 110, № 1. – P. 174–183. – DOI: 10.1111/apa.15308. – PMID: 32304589.

9. Deutsch SA, Loiselle CE, Hossain J, De Jong A. Sleep-related sudden unexpected infant death among infants prenatally substance exposed // Pediatrics. – 2024. – Vol. 154, № 6. – Art. e2024067372. – DOI: 10.1542/peds.2024-067372. – PMID: 39558 749.

10. Eidahl JML, Rognum TO, Stray-Pedersen A, Opdal SH. Brain water content in sudden unexpected infant death // Forensic Sci Med Pathol. – 2023. – Vol. 19, № 4. – P. 507–516. – DOI: 10.1007/s12024-023-00584-8. – PMID: 36735187.

11. Giovannini E, Santelli S, Pelletti G, Bonasoni MP, Cornacchia A, Pelotti S, Fais P. Pediatric motor vehicle crashes injuries: a systematic review for forensic evaluation // Int J Legal Med. – 2024. – Vol. 138, № 4. – P. 1329–1341. – DOI: 10.1007/s00414-024-03174-7. – PMID: 38337078.

12. Jaramillo MC, Chernichovsky D, Jiménez Moleón JJ. An assessment of infant mortality rates in Colombia, 1980–2009 // Colomb Med (Cali). – 2019. – Vol. 50, № 4. – P. 275–285. – DOI: 10.25100/cm.v50i4.2205. – PMID: 32476693.